

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС

ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

БОБУР НОМИДАГИ АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

Тарих факультети

Тарих таълим йўналиши

4 боскич талабаси Искандаров Сирожидиннинг

Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти

фанидан тайёрлаган

РЕФЕРАТИ

Мавзу: Давлат ҳокимияти ва бошқарувининг демократик тамойиллари

Бажарди:

Искандаров Сирожидин

РЕЖА

Кириш

- 1. Давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш.**
- 2. Мамлакатимизда давлат ҳокимияти субъектлари.**
- 3. Миллий парламент фаолияти ва ўзига хос хусусиятлари.**
- 4. Ижро ҳокимияти ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари.**

Хулоса

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

Кириш

Мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ мамлакатимизда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий демократик давлат ва адолатли фуқаролик жамиятини шакллантиришга эътибор қаратилди. Бу борада кўплаб ислохотлар амалга оширилиб, ушбу ислохотлар инсон манфаати ва унинг муносиб турмуш тарзини белгилаб бермоқда. Мамлакатимизда сиёсий ислохотларни устувор вазифаси сифатида биринчи навбатда давлат ҳокимияти бошқарув органлари фаолиятини такомиллаштириш, уларнинг ваколатларини конституциявий мустаҳкамлашга жиддий эътибор қаратилди. Мамлакатда кўппартиявийлик тизимини мустаҳкамлаш, жамоат ва нодавлат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари, ўз-ўзини бошқариш органлари фаолияти тубдан ислох қилинди.

Бинобарин Президентимиз томонидан илгари сурилган “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” номли маърузада дастлаб мамлакатимиз иқсодий-ижтимоий соҳасида эришилаётган ютуқлар, жаҳон молияқий-иқтисодий инқирози шароитида ҳам барқарор сақланиб қолаётганлигини таъкидланди. Шу билан бирга ушбу ютуқлардан ҳаволаниб реал воқеликдан узилиб қолмаслик зарурлигини, ана шундай ҳолат эса мамлакат тараққиётига салбий таъсир кўрсатиши мумкинлиги айтиб ўтди.

Шунингдек ҳозирги пайтда мамлакатимиз аҳолисининг сиёсий-ҳуқуқий маданияти ва ижтимоий онг даражасининг ўсиб бориши, жамиятни демократлаштириш ва либераллаштириш жараёнларининг жадал ривожланиши, юртимизда кўппартиявийлик тизимининг тобора мустаҳкамланиши давлат ҳокимиятининг учта субекти, яъни давлат бошлиғи бўлган Президент, қонун чиқарувчи ва ижро етувчи ҳокимиятлар ўртасидаги

ваколатларнинг янада мутаносиб тақсимланишини таъминлаш учун зарур шарт-шароитларни юзага келтирмоқда.

Барчамизга аён бўлиши керакки давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолиятини марказдан туриб бошқаришни четлаштириб, улар фаолиятидаги ваколатларни секин асталик билан фуқаролик жамиятини бошқа институтларига ўтказган тақдиримиздагина бошқарувнинг демократик тамойиларига шароит яратилади. Бунинг учун албатта мамлакатимиз ҳаётида фуқаролар онгида ҳуқуқий маданият билан биргаликда уларнинг сиёсий маданияти давлат ва жамияти бошқарувидаги иштироки фаоллашиб бориши, шунингдек жамият ривожланишидаги ҳар битта сиёсий жараёнга дахлдорлик хисси ортиб бориши зарур.

Шунинг учун мазкур реферат долзарб аҳамиятга эга бўлиб, унда давлат ҳокимити ва бошқарувини демократик тамойиллари, уларнинг ваколат доирасидаги ўзгаришлар, мамлакатимиздаги ҳокимият тизими фаолиятидаги мувозанатли тақсимланиши босқичлари ёритиб ўтилади. Реферат кириш, 4та режа ва хулоса ҳамда фойдаланилган адабиётлардан иборат. Хулоса қисмида таклиф ва тавсиялар бериб ўтилади

Давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш.

Барчамизга маълумки давлат ҳокимиятини ва бошқарувини демократлаштириш масаласини Президентимиз Ислон Каримов 2010 йил 12 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” номли маърузасининг биринчи устувор вазифаси сифатида алоҳида қайд этиб қуйдагича изоҳлайди. Ушбу маърузада ўта долзарб аҳамиятга эга бўлган муҳим вазифаларни ҳал этишда давлат ҳокимияти тармоқларини, хусусан, парламентни янада ривожлантириш ва мустақкамлаш, сиёсий партияларнинг ролини ошириш, мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимини, сайлов қонунчилигини такомиллаштириш, фуқаролик жамияти институтларини, оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш, шунингдек, демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва иқтисодиётни либераллаштиришга қаратилган бир қатор қонунчилик ташаббуслари илгари сурилди.

Маърузада таъкидлаб ўтилганидек, ўтган давр мобайнида мамлакатимизда давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш соҳасида амалга оширилган ислохотлар жуда муҳим бир мақсадга, яъни ҳокимиятлар бўлиниши конституциявий принципини ҳаётга татбиқ этиш, ҳокимиятлар ўртасида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатининг самарали тизимини шакллантириш, марказда ва жойларда қонун чиқарувчи ва вакиллик ҳокимиятининг ваколатлари ҳамда назорат вазифаларининг ролини кучайтириш, суд тизимини либераллаштириш ва унинг мустақиллигини таъминлаш бўйича ғоят долзарб чора-тадбирларни кўришга қаратилган эди¹.

¹ Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси // Халқ сўзи, 2010 йил 13 ноябрь, № 220 (5135).

Президентимиз “Ўзбекистон XXI асрга интилоқда”(1999 й.) асари мамлакатимизнинг янги асрдаги тараққиёти учун 6 та устувор йўналишни белгилаб берар экан, аввало сиёсий, иқтисодий ҳаётни, давлат ва жамият қурилишини янада эркинлаштиришни биринчи устувор вазифа қилиб қўйган эди. Бунда сиёсий соҳани эркинлаштириш билан бирга давлат қурилиши ва фуқаролик жамиятини шакллантиришда асосий эътибор қуйидаги масалаларга қаратилган эди:

- 1) ҳокимият барча тармоқларининг мустақил фаолиятини таъминлаш;
- 2) нодавлат ва жамоат ташкилотлари, фуқаролик жамиятини босқичма-босқич эркинлаштириш. Бунда “Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари” концепцияси белгилаб берилди.

Бу масалаларни бевосита амалиётга татбиқ қилиш учун “Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз”(2000 й.) рисоласида ҳам 7 та устувор вазифадан биринчи ва иккинчи вазифа қилиб сиёсий соҳада қуйидаги масалалар белгилаб берилди:

1. Сиёсий соҳада:

- 1) сиёсий ҳаётнинг барча соҳаларини, давлат ва жамият қурилишини эркинлаштириш;
- 2) кўппартиявийлик муҳитини таъминлаш;
- 3) нодавлат тузилмаларни, фуқаролик жамиятини қарор топтириш;
- 4) фикрлар хилма-хиллигига эришиш. Оммавий ахборот воситаларини том маънода “тўртинчи ҳокимият” даражасига кўтариш;
- 5) инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, одамлар онгида демократик қадриятларни қарор топтириш;

2. Давлат қурилиши ва бошқаруви соҳасида:

- 1) ҳокимият органларининг конституциявий асосда бўлишини таъминлаш;
- 2) маъмурий соҳада амалга оширилаётган ислохотлар самарадорлигини ошириш;

3) кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш, янгилаш тизимини такомиллаштириш;

Марказий ижро этувчи ҳокимиятнинг бошқарув тузилмалари ва маъмурий органларнинг ваколатларини бозор тамойилларига мувофиқлаштириш ва пировард натижада давлатнинг иқтисодий бошқаришдаги ролини жиддий камайитириш кўзда тутилган эди.

Президентимиз Ислом Каримов томонидан кейинги ўтган ўн йил давомида, яъни 2000 йилдан кейинги даврда бошқарув соҳасини марказлаштиришни чеклаш, бу борадаги вазифаларнинг бир қисмини республика даражасидан вилоят, туман ва шаҳар миқёсига ўтказиш, Ўзбекистонда маҳаллий ўзини ўзи бошқаришнинг ноёб шакли бўлган маҳалла тизимини шакллантириш масаласига катта аҳамият қаратилди.

Маълумки, **“Маҳалла” арабча сўздан** олинган бўлиб, “жой” деган маънони англатади. Тарихчи олим Наршахий “Бухоро тарихи” асарида бундан 1100 йил илгари маҳалла халқнинг бошқаруви эканини ёзган эди. “Маҳалла” атамасига Маҳмуд Қошғарий “Девону луғатит- турк”, Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” асарларида ҳам изоҳ берилган. Қадимда маҳалла нафақат ижтимоий, балки, маъмурий-худудий тузилма тарзида ҳам эътироф этилган. Алишер Навоийнинг “Ҳайратул-аброр” (“Яхши кишиларнинг ҳайратланиши”) асарида қуйидаги банд учрайди: Шаҳарлар отини маҳалот этиб, Бўлди чу юз шаҳар Ҳири от этиб. Маҳалланинг “жой” деган мазмуни юқоридаги сўздан кўриниб турибдики, ўрта асрларда Ҳири деб аталган Ҳирот шаҳри юзта кичик “шаҳарча” - маҳаллалардан ташкил топган экан.

Маҳалла деганимизда, авваламбор, муқаддас урф-одатларимизни сақлайдиган ва ривожлантирадиган, шу билан бирга, келажак авлодлар қандай бўлиб етишишига бевосита таъсир кўрсатадиган тарбия ўчоғи, ҳаёт мактабини тасаввур этамиз.

Мамлакатимизда ўзини ўзи бошқариш органлари фуқаролик жамиятининг асосий институти сифатида йилдан-йилга такомиллашиб

бормоқда. Шунингдек, мазкур органларнинг бошқарув тизимидаги кўламининг кенгайиб бориши билан ҳуқуқий давлатнинг ўз ваколатларини демократик тамойиллар асосида амалга ошириши учун қулай ва кенг имкониятлар пайдо бўлмоқда.

Мустақиллик даврига келиб фуқароларнинг маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг қонуний мақомини мустаҳкамлашга, уларни фуқаролик жамиятининг асосий институтига айлантиришга доир жиддий ислохотлар амалга оширилди. Ўзбекистонда маҳаллалар миллий мустақиллик даврига келибгина ўзини ўзи бошқариш органига айланди. Ўзбекистон Конституцияси маҳалланинг мақомини фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи сифатида мустаҳкамлади. Мамлакатимизда шаҳарча, кишлоқ, овул ва маҳалла фуқаролар йиғинлари ўзини ўзи бошқариш органлари ҳуқуқий мақомини олди. Жумладан, мустақиллик даврида юртимизда 10 мингдан кўпроқ ўзини ўзи бошқариш органлари шаклланган бўлса, улардан 8142 тасини маҳалла фуқаролар йиғинлари ташкил этади. Маҳалла мустақил ташкилот сифатида қайтадан мустаҳкамланди ва уларнинг аксарияти ўзининг қадимги номларини ва халқ ўртасидаги обрў-эътиборларини қайтадан тиклаб олди.

Шуни айтиш мумкинки, **Маҳаллий ўзини ўзи бошқаришнинг демократик тамойиллари қуйидагилардан иборат:**

1. Демократия, ошкоралик, фикрлар хилма-хиллиги тамойили.
2. Ворислик тамойили.
3. Ижтимоий муносабатларни демократлаштириш.
4. Юксак маънавият тамойили.
5. Маҳалла хавфсизлигини таъминлаш тамойили.
6. Фуқаро йиғини раиси (оқсоқоли) ва маслаҳатчиларининг ўз масъулиятини ҳис қилиш тамойили.
7. Ижтимоий ҳимоя, ижтимоий адолат, ижтимоий кафолат тамойили (жамоатчилик ва ўзаро ёрдам).

8. Кенгаш, машварат (маслаҳатлашиш) тамойили.
9. Инсонпарварлик.
10. Мустақиллик.

Энди бу ерда таққослаш мумкинки, собиқ шўролар даврида маҳалла тизими қандай шаклланган эди.

1. Бюрократларча марказлашув.
2. Номенклатура (юқоридан рўйхат асосида тайинлаш) бошқаруви.
3. Ўзига ўзи хизмат қилиш, шахсий манфаатларни устун қўйиш.
4. Буйруқбозлик (мажбурлаш, даҳшатли қарорлар чиқариш).
5. Демократияни тан олмаслик.
6. Расмийчилик (қоғозбозлик).
7. Маҳдудлик (махфий маълумотлар асосида бошқариш).

. Мамлакатмизда амалга оширилаётган давлат бошқаруви соҳасидаги ислохотлар натижасида маҳалла институтининг роли тобора ошиб бормоқда. Бу эса фуқароларимиз турмуш тарзининг янада яхшиланишида маҳалла институтининг ўрни ва роли нақадар бекиёс эканини кўрсатиб бермоқда. Маҳаллаларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари сифатидаги мавқеини янада ошириш, роли ва аҳамиятини тобора кучайтириш мақсадида, Президентимиз Ислом Каримов ва ҳукумат томонидан жуда кўплаб фармон ва қарорлар қабул қилинди. Фақат бизга хос бўлган маҳалла институти бошқа давлатларда учрамайдиган, бетакрор миллий қадрият ва анъаналарга асосланган жамоавий тузилмадир. Маҳалла бошқаруви давлат ҳокимияти органлари билан чамбарчас боғлиқдир.

Мамлакатимизда давлат ҳокимияти субъектлари.

Маълумки, **Ҳокимият** – бу кишилар, ижтимоий гуруҳлар ҳамда синфларнинг фаолиятига, хулқ-атвориға, ҳаракатларига, иқтисодий, сиёсий, ғоявий, ижтимоий механизмлар, шунингдек, куч ишлатиш, зўрлик қилиш, ишонтириш қобилиятлари билан таъсир этувчи фаолиятнинг алоҳида шаклидир.

Давлат ҳокимияти (давлат аппарати) – бир-бири билан ўзаро боғлиқ бўлган муайян тузилмага бирлашган давлат ҳокимиятини амалга оширувчи давлат органларининг тизимидир.

Давлат ҳокимияти субъектларидан Президентлик институти фаолиятига тўхталадиган бўлсак, Президент сўзи лотинча бўлиб, “олдинда ўтирувчи” деган маънони билдиради. Ўзбекистон тарихида президентлик бошқаруви биринчи бор 1990 йил 24 мартда таъсис этилди ва Ўзбекистон Республикаси Президентлигига Ислом Каримов сайланди. 1991 йил 18 ноябрда “Ўзбекистон Президенти сайлови тўғрисида”ги Қонун қабул қилинди. Бу қонунга 1997 йил 26 декабрь ва 1999 йил 19 августда ҳамда 2003 йил 24 апрелда, 2007 йил 11 апрелда ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Мустақиллик йилларида президентлик институти тўла шаклланди. Ўзбекистон Конституцияси 19-бобининг 89-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат бошлиғидир ва давлат ҳокимияти органларининг келишилган ҳолда фаолият юритишини ҳамда ҳамкорлигини таъминлайди. Президентлик лавозимиға 35 ёшдан кичик бўлмаган, давлат тилини яхши биладиган, бевосита сайловгача камида 10 йил Ўзбекистон ҳудудида муқим яшаган Ўзбекистон фуқароси сайланиши мумкин. Айтиб ўтиш керакки, бир шахс сурункасига икки мартадан ортиқ президент бўлиши мумкин эмас. Президент фуқаролар томонидан умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан 7 йил муддатга сайланади.

Президентимиз Ислом Каримов 2005 йил 28 январда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги “Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир” мавзусидаги маърузасида давлат қурилиши ва бошқарув соҳасидаги энг муҳим вазифа бўлган мамлакат Парламентининг роли ва таъсирини кучайтириш, ҳокимиятнинг қонунчилик, ижро ва суд тармоқлари ўртасида янада муносиб ва барқарор мувозанатга эришиш йўллари белгилаб берди. Шунга кўра, 2006 йили Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг моддаларига тузатишлар киритиш тўғрисида (89-моддасига, 93-моддасининг 15-бандига, 102-моддасининг иккинчи қисмига)” лойиҳаси матбуотда эълон қилиниб, халқнинг фикр мулоҳазалари ўрганилди ва натижада ушбу қонун Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси томонидан 2007 йили 29 мартда маъқулланди. Президент Ислом Каримов 2007 йил 11 апрелда “Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида”ги Конституциявий Қонунга имзо чекди. 2010 йил 27 январдаги Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисидаги Президент маърузасида ҳам айнан давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш масалаларига алоҳида тўхталиб ўтилди. Ана шу “Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг моддаларига тузатишлар киритиш тўғрисида (89-моддасига, 93-моддасининг 15-бандига, 102-моддасининг иккинчи қисмига)”ги Қонунга кўра, Конституциямизнинг 89-моддаси янги таҳрирда қабул қилинди.

Бугунги кунда Конституциямизнинг **89-моддасида** “Ўзбекистон Республикасининг Президенти давлат бошлиғидир ва давлат ҳокимияти органларининг келишилган ҳолда фаолият юритишини ҳамда ҳамкорлигини таъминлайди” деган қоида белгилаб қўйилди. Натижада Президентнинг ижро этувчи ҳокимият бошлиғи сифатидаги норма олиб ташланди, парламент фаолиятига оид “муҳолифат”, “кўпчилик” каби тушунчалар киритилди.

93-модданинг 15-банди қуйидагича таҳрир қилинди: “15) вилоятлар ҳокимларини ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимини қонунга мувофиқ тайинлайди ҳамда лавозимидан озод этади. Конституцияни, қонунларни бузган ёки ўз шаъни ва қадр-қимматига доғ туширадиган хатти-ҳаракат содир этган туман ва шаҳар ҳокимларини Президент ўз қарори билан лавозимидан озод этишга ҳақли”.

102-модданинг иккинчи қисми қуйидагича таҳрир этилди: “Вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокими Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қонунга мувофиқ тайинланади ҳамда лавозимидан озод этилади”. Ушбу қонун 2008 йил 1 январидан қучга киритилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг илгари эгаллаб турган Вазирлар Маҳкамаси Раиси лавозимининг тугатилиши давлат ҳокимияти ва бошқарувини либераллаштириш ва демократлаштириш йўлида муҳим қадам бўлди.

Демак, мустақиллик йилларида мамлакатимизда президентлик институти шаклланиб, у янада такомиллашди, унинг ҳукуқий негизлари мустаҳкамланди. Президентимиз Ислом Каримов давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш, президентлик институтини янада либераллаштириш, дунёдаги ривожланган давлатлар бошқаруви тизимига мос тизимга ўтиш бўйича бир қатор таклифларни илгари сурди. Бу таклифлар Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 96-моддасига тааллуқлидир.

Мамлакат Президенти турли сабабларга кўра, ўз вазифасини бажара олмайдиган ҳолат юзага келган тақдирда ноаниқлик, ушбу моддани турлича талқин этишга йўл қўймаслик мақсадида унинг янги таҳририни қуйидаги мазмунда баён этиш таклиф қилинди: “Мамлакатнинг амалдаги Президенти ўз вазифаларини бажара олмайдиган ҳолатларда унинг вазифа ва ваколатлари вақтинча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раисининг зиммасига юклатилади, бунда уч ой муддат ичида, “Ўзбекистон

Республикаси Президенти сайлови тўғрисида”ги Қонунга тўлиқ мувофиқ ҳолда, мамлакат Президенти сайлови ўтказилади”.

2. Миллий парламент фаолияти ва ўзига ҳос хусусиятлари.

Олий қонун чиқарувчи ҳокимият ҳар бир давлатда ўзига ҳос хусусиятга эга ва турлича аталади (масалан, АҚШда – Конгресс, Швецияда - Риксдаг, Хитой Халқ Республикасида – Халқ вакиллари умумхитой мажлиси). Ўзбекистонда бундай ҳокимият Олий Мажлис деб номланади. Унинг мақоми, тизими, тузилиши, вазифалари, иш фаолиятига оид қоидаларни белгилашда дунёдаги илғор давлатларнинг ва умуман, олий қонун чиқарувчи органни ташкил қилиш бўйича халқаро тарихий тажриба чуқур ўрганилган ва инобатга олинган.

Ўзбекистонда Олий Мажлис айти пайтда ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи ва вакиллик органи ҳисобланади, унинг таркибидаги депутатлар халқ мафаатларини ифодалайди. Олий Мажлис 5 йил муддатга сайланади. 25 ёшга етган Ўзбекистон фуқаролари сайланиш ҳуқуқига эга. 2005 йил 27 январда ЎзР Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси биринчи йиғилишида Президент Ислон Каримов "Парламент - жамият ҳаётининг кўзгуси" мавзусида нутқ сўзлади. Ҳақиқатан ҳам Президентимиз таъкидлаб ўтганларидек, парламентга сайловлар жараёнида, халқимиз ўзининг фаоллиги, сиёсий онги ва савиясини ёрқин намоён этди. Сайловлар ошкоралик, очиқлик ва қизғин курашларда ўтди, бу жараён дунё жамоатчилиги томонидан кузатилди. Биз ҳеч кимдан кам эмаслигимиз, демократик давлат қуришда ўз йўлимиз борлиги, ўзига ҳослиги аён бўлди. Доимо босиқ бўлиб жим ўтириш депутатлик фаолиятига тўғри келмайди. Ҳар бир депутат ўз ваколати ва масъулиятини теран ҳис қилиши керак. **Депутат** – бу мустақил фикрли инсон. У қайси партияга мансуб бўлмасин аввало халқ олдида жавоб бериши керак. Шу сабаб халқ манфаатлари йўлида парламентдаги ғоялар,

ёндашувга қарашлар хилма-хил бўлгани яхши. Депутат залда бўладиган муҳокама ва мунозаралар вақтида 3 та нарсани эсдан чиқармаслигини баён этди: **Биринчидан**, ҳар қайси депутат ўзининг қадр-қимматини билиши лозим. Шундагина у бошқаларни ҳам ҳурмат қилади. **Иккинчидан**, меҳроқибатлилиқ бизнинг халқимизга ярашадиган, халқимизга хос бўлган фазилат эканини ҳеч қачон эсдан чиқармаслиги керак. **Учинчидан**, бобомиз Амир Темур айтганидек, қандай халқнинг фарзандимиз, деган саволни ўзимизга беришимиз керак. Шу билан бирга кеча ким эдигу, бугун ким бўлдиқ, деган саволни ҳам ҳеч қачон унутмаслик зарур.

Олий Мажлиснинг қўйи палатаси – Қонунчилик палатаси раҳбарлари янги тартибда сайланди. Бунинг сабаби шундаки, биз демократик давлат барпо этаётганимиз, фуқаролик жамияти асосларини шакллантираётганлигимиздир. Биз демократик кадрларни ўз ҳаётимизга жорий этишда салмоқли натижаларга эришдик.

Демократик парламентнинг асосий шартларидан бири **кўппартиявийлик масаласидир**. Демократик жамиятда кўппартиявийлик тизими бўлиши керак. Кўппартиявийлик, аввало жамиятимизда ўз манфаат ва қарашларидан қатъий назар ҳар қайси ижтимоий қатлам ва гуруҳнинг мақсад ва интилишларини тўлиқ акс эттириши керак. Чунки ҳаёт бор экан кимдир ўз манфаатини амалга оширишга ҳаракат қилади. Ҳар қайси партия - халқнинг маълум қатлами манфаатларини ифодаловчи сиёсий куч. Ҳар бир инсон ўзига хос бир олам. Иккита инсон бир-бирига ўхшамайди. Худди шунингдек, сиёсий партиялар ҳам ўз ғояси, мақсади ва вазифалари билан бир-биридан фарқ қилиши зарур. Шундагина жамиятдаги хилма-хил қараш, манфаатлар акс этади. **Сиёсий партиялар** халқни, мамлакатни, миллатни мақсад йўлида бирлаштириб турган. Шу боис улар ўз манфаатларини ҳимоя қилишда бир-бирига муҳолифат бўлиши мумкин. Ягона Ватан ҳақида гап кетганда улар бирлашиши керак. Миллий истиқлол ғояси шундай бирлаштирувчи кучдир. Ҳар қайси партиянинг ўз электорати - уни қўллаб-қувватлайдиган ижтимоий қатлам бўлиши лозим. Шундай бўлмаса бу партия

хақиқий сиёсий куч бўла олмайди. Парламент сайловлари жараёнида сиёсий партиялар шаклланди. Сайловчилар энди дуч келган одамга эмас, ўз дастур ва ғояларини ёқтирган партияга овоз беради. Бизда минтақавий партиялар йўқ ва бўлмайди ҳам, чунки мамлакат бўлиниб кетиши мумкин бўлади. Бунга йўл қўйиб бўлмайди, ҳар қайси партия умуммиллий партия сифатида фаолият юритиши, Марказда қолиб кетмаслиги керак. **Сайлов** – демократия дегани, **Демократия** – бу сайлов дегани. Маълумки партиялар сайлов орқали ўз тарафдорларини аниқлайди. 2014 йил 21 декабрда бўлиб ўтган сайловларда ЎзЛиберал-демократик партия ғалаба қозониб 52 та овозга эга бўлди, бу эса (38,2 фоиз) ни ташкил қилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, 2007 йил 11 апрелда Ўзбекистон Республикасининг «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий қонуннинг қабул қилиниши катта тарихий аҳамиятга эга бўлди. Бу қонун 8 моддадан иборат (“Халқ сўзи”, 2007 йил 12 апрель).

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида Давлат ҳокимиятининг ташкил этилиш принциплари. Давлат ҳокимиятининг ташкил этилишида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳам берилган. 89-моддага кўра Ўзбекистон Республикаси Президенти ЎзРда давлат ва ижро этувчи ҳокимият бошлиғидир. Конституцияда Ўзбекистон Республикаси Президенти республика фуқаролари томонидан умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан 7 йил муддатга сайланади. Уни сайлаш тартиби қонун билан белгиланиши айtilган. Янги қоидага кўра Президентнинг айрим ваколатлари Сенатга, яъни юқори палатага босқичма-босқич ўтказилиши айtilган. Бу дегани Ўзбекистоннинг демократик давлат ва фуқаролик жамиятини қуришда фуқароларнинг давлат ҳокимияти бошқарувидаги иштироки кенгайтирилган.

Мустақил давлатимизнинг бош қомуси, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган бўлиб, унга 2002 йил 27

январда ўтказилган умумхалқ референдуми натижаларига кўра ҳамда унинг асосида қабул қилинган 2003 йил 24 апрелдаги ЎзР қонунига кўра Конституциянинг 18,19,20,23-бобларига тузатиш ва қўшимчалар киритилди. Конституциянинг 1-бўлим 11-моддасида Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимиятининг тизими ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши принциплари: 1) Давлат суверенитети; 2) Ҳокимият ҳақчилиги тамойилига; 3) Инсон ва фуқаро ҳуқуқ ҳамда эркинликлари устуворлиги ва пойдеворлиги тамойили; 4) Давлат ҳокимиятининг бўлиниш принципи; 5) сиёсий ва мафкуравий хилма-хиллик тамойили; 6) Демократизм тамойили; 7) Давлат ва шахснинг ўзаро масъулияти тамойили; 8) Давлат ҳуқуқ тузилиши тамойилларига амал қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг 2010 йил 12 ноябрда ўтказилган қўшма мажлисидаги “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” мавзусидаги маърузаси ҳамда мамлакатни демократик янгилаш ва модернизация қилишда Олий Мажлис Сенати ва маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларининг ролини кучайтириш борасидаги вазифалари муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Аслида парламент французча “parler”- гапирмоқ сўзидан келиб чиққан бўлиб, расмий сўзлашиш жойи маъносини англатади. Парламент давлатнинг олий вакиллик органи ҳисобланади ва қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга оширади. Парламент қонун бўйича белгиланган сондаги депутатлардан иборат бўлиб, ҳудудий сайлов округлари бўйича кўппартиявийлик асосида белгиланган ёшга тўлган фуқаролардан сайланади. Парламентаризм тажрибаси шуни кўрсатадики, парламент бир палатали ва икки палатали бўлиши мумкин. Маълумки, демократик мамлакатларнинг аксариятида парламент икки палаталидир. XX асарнинг сўнгги ўн йиллигида икки палатали парламентлар сони 45 тадан 75 тага кўпайди. Ҳозирги

замонда икки палатали тизим парламентаризм тараққиётининг асосий тенденциясига айланди. 2000 йилнинг 14 мартда Париж шаҳрида бўлиб ўтган жаҳон сенатларининг махсус анжуманида парламентнинг икки палатали бўлиши мамлакат ҳаётида ижобий роль ўйнайди, деган хулосага келинди.

1990-1994 йилларда мамлакатимиз парламенти Олий Кенгаш номи билан аталиб, бир палатали, 150 депутатдан иборат эди. 1995-2004 йилларда парламент Олий Мажлис номи билан аталиб, бир палатали ва унинг 250 депутати мавжуд эди.

Мустақиллик йилларида халқ депутатлари вилоят ва Тошкент шаҳар Кенгашларига 60 депутат, туман ва шаҳар Кенгашларига эса 30 нафар депутат сайланиши йўлга қўйилди.

2005-2009 йилларда Олий Мажлис икки палатали парламент бўлиб, унинг қуйи Қонунчилик палатаси 120 депутат, Сенат (юқори палатаси) эса 100 сенатордан ташкил топди, жами 220 депутатдан иборат бўлиб келди.

Икки палатали миллий парламентни ташкил қилиш масаласи Президентимиз Ислом Каримов томонидан 2000 йил 25 майда Олий Мажлиснинг 2-сессиясида илгари сурилди. “Шуни яхши англаб олишимиз зарурки, ҳаёт ўзгариши билан, одамларимизнинг аввалги сиёсий ва маънавий онги улғайиши билан, бизнинг парламентимизнинг ташкил этилишида ҳам, унинг фаолиятида ҳам тегишли ўзгаришлар бўлиши табиийдир. Шу ҳолатларни назарда тутиб, мен доимий асосда ишлайдиган икки палатали парламент тизимига ўтиш таклифини киритмоқчиман, яъни биз 2004 йилда бўладиган сайловларда парламентни икки палатали қилиб ташкил этишимиз лозим”².

Олий Мажлиснинг 2001 йил 6 декабрда қабул қилган Ўзбекистон Республикаси референдумини ўтказиш тўғрисидаги қарорига кўра, 2002 йил 27 январда референдум ўтказилди. Шу асосдаги “Референдум якунлари

² Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. – Асарлар, 8-жилд. Тошкент: Ўзбекистон, 2000- 483-бет.

ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида”ги Конституциявий Қонуннинг қабул қилиниши қонун чиқарувчи ҳокимиятни тубдан ислоҳ қилишнинг ҳуқуқий асосларини белгилаб берди.

2002 йил 12 декабрда Олий Мажлиснинг 10-сессияси халқимизнинг хоҳиш иродаси билан “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида” ва “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида”ги Конституциявий Қонунлар ҳамда уларни амалга ошириш тўғрисида қарорлар қабул қилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенати томонидан қабул қилинаётган қонунлар ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш, ижтимоий–сиёсий ҳаётнинг барча соҳаларидаги ислохотларни янада чуқурлаштириш йўлида катта сиёсий аҳамиятга эга бўлмоқда

3. Ижро ҳокимити ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари.

Ижро этувчи ҳокимият (Вазирлар Маҳкамаси). Ижроия ҳокимият – давлат ҳокимиятининг уч асосий тармоқларидан бири.

Ўзбекистонда давлат ҳокимиятининг тамойили мавжуд шароитларнинг ўзига хослигини инобатга олиш, жаҳондаги ривожланган демократик мамлакатлар тажрибасидан ижодий фойдаланиш асосида амалга оширилмоқда. Шунга кўра, ижроия ҳокимият давлат ҳокимияти тизимининг бир тармоғи ҳисобланади.

Қонунлар рўёбга чиқарилиши учун шарт-шароитларни таъминлаш ижро этувчи органларнинг асосий вазифасидир. Ҳокимиятлар бўлиниши принципига мувофиқ, иккинчи ижро этувчи ҳокимият, яъни мамлакат ҳукумати Вазирлар Маҳкамасига юклатилади. Вазирлар Маҳкамаси Бош вазир, унинг ўринбосарлари, вазирлар, давлат қўмиталарининг раисларидан иборат. Қорақалпоғистон Республикаси ҳукуматининг бошлиғи Вазирлар Маҳкамаси таркибига ўз лавозими бўйича киради.

Илгари Ўзбекистон Республикаси Президенти эгаллаб турган Вазирлар Маҳкамаси Раиси лавозимининг тугатилиши ҳам либераллаштириш ва демократлаштириш йўлида муҳим қадам бўлди.

Одатда ижроия ҳокимият парламентга ўтказилган сайловлардан сўнг камида бир ой ичида шакллантирилади.

Ижроия ҳокимият органлари тизимига Вазирлар Маҳкамаси раҳбари Бош вазир, ҳукумат-вазирликлар, давлат қўмиталари раҳбарлари, вилоятлар, туман ва шаҳар ҳокимлари, улар раҳбарлигидаги бўлимлар ва бошқармалар, шунингдек, корхоналар, ташкилот ва муассасаларнинг маъмурияти ҳам киради

Ижроия ҳокимият органлари жамоавий раҳбарлик асосида ва якка тартибда ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиш йўли билан тегишли соҳаларни бошқариш, ривожлантириш чора-тадбирларини ишлаб чиқади, уларни амалга оширади. Ижроия ҳокимият идораларининг тизими, ҳуқуқий мақоми ва ваколатлари Конституцияга биноан Олий Мажлис томонидан белгиланади.

Мустақиллик йилларида Вазирлар Маҳкамаси, яъни ижроия ҳокимият – ҳукумат таркиби 4 марта янгидан тасдиқланди. 1993 йил 6 майда қабул қилинган, 1993 йил 29 августда янги таҳрирда жорий этилган “Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида”ги Қонунга кўра, **биринчи марта** Вазирлар Маҳкамасининг янги таркиби 1995 йил 23 февралда тасдиқланди. **Иккинчи марта** 2000 йил 11 февралда, **учинчи марта** 2005 йил 4 февралда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси таркиби тасдиқланди. **Тўртинчи марта** 2010 йил 12 мартда Вазирлар Маҳкамаси таркиби қуйидаги тартибда белгиланди: Вазирлар Маҳкамаси аъзолари – 8 та, вазирлик - 14 та, давлат қўмиталари - 9 та³, жами 31 та.

Демак, бугунги кунда:

I. Вазирлар Маҳкамаси аъзолари: Бош вазир, унинг биринчи ўринбосари ва 6 нафар ўринбосари мавжуд.

II. Вазирликлар

³ Халқ сўзи, 2010 йил 13 март

1. Молия вазирлиги.
2. Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестиция ва савдо вазирлиги.
3. Иқтисодиёт вазирлиги.
4. Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги.
5. Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги.
6. Соғлиқни сақлаш вазирлиги.
7. Маданият ва спорт ишлари вазирлиги.
8. Мудофаа вазирлиги.
9. Ички ишлар вазирлиги.
10. Ташқи ишлар вазирлиги.
11. Адлия вазирлиги.
12. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги.
13. Халқ таълими вазирлиги.
14. Фавқулодда вазиятлар вазирлиги.

III. Давлат қўмиталари

1. Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси.
2. Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси.
3. Давлат солиқ қўмитаси.
4. Давлат божхона қўмитаси.
5. Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси.
6. Давлат статистика қўмитаси.
7. Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси.
8. Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси.
9. Давлат мулкани бошқариш давлат қўмитаси.

2005 йили Вазирлар Маҳкамаси раҳбари Бош вазир лавозими жорий этилди. Конституциянинг 89-моддаси биринчи бандидаги Президентга тегишли ваколатлар ижроия ҳокимиятга ўтказилди. Бу ҳолат Франция ва Россия давлатлари Конституциялари нормаларида ҳам мавжуд. Вазирлар

Маҳкамаси қонун, фармон, фармойиш, қарор ижроларини таъминлаш мақсадида махсус қарорлар қабул қилиш ҳамда назорат йўли билан бошқарувни амалга оширади, ижро ҳокимиятини таъминлайди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 21-боби 99-104-моддаларига мувофиқ, маҳаллий ҳокимият органларининг тузилиши куйидагича.

Шу жиҳатдан қараганда, Давлат (ҳукумат) ўзининг бош функциясини, ислохотларни тартибга солиб туриш, қонун ҳужжатлари ижросини таъминлаш орқали бажаради. Вазирлар Маҳкамаси Президент ва Олий Мажлис олдида жавобгардир.

Ўтган давр мобайнида ҳокимиятлар бўлиниши конституциявий принципини ҳаётга изчил татбиқ этиш борасида ҳокимиятлар ўртасида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар муозанатининг самарали тизимини яратишга доир ҳуқуқий асослар қабул қилинди. Бунда Ўзбекистон Республикасининг “Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида”ги Конституциявий Қонунининг аҳамиятини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Ушбу конституциявий қонун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенати фаолиятини ташкил этиш, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирини тайинлаш ва лавозимидан озод этиш, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари номзодини тайинлаш ва тасдиқлаш тартиблари ҳамда Халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашлари депутатларининг вилоят ҳамда Тошкент шаҳар ҳокими фаолияти устидан назорат қилиш вазифалари тўғрисидаги масалаларда сиёсий партияларнинг ролини кучайтиришга оид нормаларни ўзида мужассам этди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги сиёсий партия фракцияларининг дастурий мақсадли вазифаларининг яқинлиги ёки мослиги юзасидан блок тузишлари, парламентдаги кўпчилик ва озчилик ҳамда мухолифат каби қоидалар назарда

тутилган. Айниқса, ҳар бир сиёсий партия фракциясининг вакили Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари лавозимини эгаллаш бўйича кафолатли ҳуқуққа эгаллигини таъкидлаш лозим. Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзодини лавозимига тайинлаш жараёнида Ўзбекистон Республикаси Президентининг сиёсий партия фракциялари билан маслаҳатлашув институтининг яратилиши сиёсий партияларнинг жамиятдаги ўрни ва ролини кучайтиришда катта аҳамият касб этди. Вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари номзодини лавозимга тайинлашдаги маслаҳатлашув институти ҳам сиёсий партияларнинг маҳаллий органлари фаолиятининг янада фаоллашишига ҳисса қўшмоқда.

Мазкур маслаҳатлашув институти орқали Ўзбекистон Республикаси Президенти билан сиёсий партия фаолларининг янада яқиндан мулоқот қилиш имкони яратилди. Халқ депутатлари маҳаллий кенгашларининг фаолиятида сиёсий партия гуруҳларининг ролини кучайтириш асосида тегишли халқ депутатлари кенгашлари ишини ташкил қилиш янада демократлашди. Чунончи, халқ депутатлари вилоят ва Тошкент шаҳар кенгашларидаги партия гуруҳлари томонидан вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокими фаолияти устидан назорат қилиш функциясига оид нормаларнинг мавжудлиги вакиллик ҳокимиятининг ролини кучайтиришга олиб келди.

ХУЛОСА

Жамиятнинг сиёсий ҳаётини эркинлаштириш аввало, аҳолининг сиёсий фаоллигини кучайтиришни, ҳокимият ваколатларини нодавлат ва жамоат ташкилотларига, фуқароларни ўзини-ўзи бошқариш органларига босқичма-босқич ўтказиш боришни тақозо этади.

Иқтисодиёт соҳасини янада эркинлаштириш вазифаси хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий эркинликларини кенгайтириш, мулкдорларнинг мавқеи ва ҳуқуқларини мустаҳкамлашни ўз ичига қамраб олади.

Жамият маънавиятини янада юксалтириш масаласида ўз ҳақ-ҳуқуқларини танийдиган, мустақил фикрлай оладиган, иймон-иродаси, эътиқоди мустаҳкам, шахсий манфаатларини мамлакат ва халқ манфаатлари билан уйғунлаштирадиган, эркин, ҳар жиҳатдан баркамол инсонларни тарбиялаш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ҳуқуқий, демократик давлат, эркин фуқаролик жамияти барпо этиш кадрлар тайёрлаш Миллий дастурини амалга оширишни, мамлакатимизнинг келажагини таъминловчи етук мутахассислар етиштиришни тақозо этади.

Аҳолини янада кучли ижтимоий ҳимоя қилиш, мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг барча босқичларига, «Ўзбек модели»нинг мазмуни ва моҳиятига мос бўлган муҳим бир мезон бўлиб келмоқда.

Иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларни таъминлаш иқтисодий ислохотларнинг мазкур босқичига хос бўлиб, бунда бозор инфратузилмасини ривожлантириш, экспортга мослашган ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш қувватларини ошириш, молия ва банк тизими фаолиятини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Жамиятдаги барқарорлик, тинчлик, миллатлар ва фуқаролараро тотувликни, мамлакатимиз ҳудудий яхлитлигини таъминлаш мазкур босқичдаги долзарб вазифалардан бири саналади. Бу вазифа жаҳондаги глобаллашув шароитида, турли минтақалардаги вазиятнинг кескинлашуви Ўзбекистоннинг суверинитети ва барқарор тараққиётига хавф солиши мумкин бўлган таҳдидларга муносиб жавоб қайтарадиган хавфсизлик тизимларини яратишни тақозо этади.

Демак, давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш бўйича қуйидаги умумий хулосага келиш мумкин:

1. Давлат ҳокимиятининг конституциявий бўлиниш принципи янада демократлаштирилмоқда.

2. Марказий ижро этувчи ҳокимиятнинг бошқарув тузилмалари, маъмурий органлар ваколатлари, давлатнинг иқтисодиётни бошқаришдаги роли камайтирилмоқда.

3. Бошқарув соҳасидаги марказлаштириш чекланмоқда.

4. Вилоят, туман, шаҳарлардаги маҳаллий ўзини ўзи бошқариш идораси - маҳалла тизими ислоҳоти ўтказилиб, унинг роли янада оширилмоқда.

5. Икки палатали парламентнинг давлат ҳокимиятини ташкил этишдаги ҳуқуқий мақоми мустаҳкамланмоқда.

6. Юқори палата – Сенат ҳудудий манфаатларни ифода этмоқда.

7. Қуйи – Қонунчилик палатаси фаолияти доимий профессионал асосда амалга оширилмоқда.

8. 2007 йилда Ўзбекистон Конституцияси 89-моддасига тузатишлар киритилди. Президент - давлат бошлиғи ва давлат ҳокимияти органларининг келишилган ҳолда фаолият юритиши, ҳамкорлиги таъминланмоқда.

9. Вазирлар Маҳкамаси Раиси лавозими тугатилиб, Бош вазир лавозими жорий қилинди ва бу жараён янада либераллаштирилмоқда.

10. Давлат ҳокимиятининг 3 та субъекти: давлат бошлиғи бўлган Президент, Қонун чиқарувчи, Ижро этувчи ҳокимиятлар ўртасидаги тақсимланиш янада мустаҳкамланмоқда.

11. Сиёсий тизимни модернизация қилиш, ислоҳ этиш ва демократлаштиришнинг янги босқичига қадам қўйилди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясига киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар асосида Президент томонидан Бош вазир лавозимига номзод кўрсатиш ва уни тасдиқлаш демократик принципнинг янги тартиби ўрнатилмоқда. Олий Мажлисга Бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотуми билдириш ҳуқуқи берилмоқда.

12. Сайловларда ютиб чиққан сиёсий партия Бош вазир номзодини кўрсатиш ҳуқуқига эга бўлмоқда.

13. Бош вазир номзоди Президент томонидан кўриб чиқилиши ва тасдиқланиши белгиланиб, ҳукуматга нисбатан ишончсизлик вотуми институти жорий этилмоқда.

14. Бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотуми парламент аъзолари умумий сонининг камида учдан икки қисми овоз берган тақдирда Бош вазирни лавозимидан озод этиш бўйича қарор қабул қилинади. Бунда Вазирлар Маҳкамасининг бутун таркиби Бош вазир билан бирга истеъфога чиқади.

15. Олий Мажлис томонидан Бош вазир лавозимига номзод икки марта рад этилса, Президент вақтинча Бош вазир вазифасини бажарувчини тайинлайди ва Олий Мажлисни тарқатиб юборади.

16. Вазирлар Маҳкамаси ваколатига тааллуқли масалалар юзасидан қарорлар қабул қилиш ҳуқуқи Президент ваколатидан чиқарилмоқда.

17. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 96-моддасининг янги таҳририга кўра, Президентнинг вазифа ва ваколатларига доир янги тақлифлар асосида 78- ва 93-моддаларга тегишли ўзгартишлар киритиш белгилаб берилди.

18. Ўзбекистон Республикаси Президенти Вазирлар Маҳкамаси Мажлисларида раислик қилишга ҳақли.

19. Мамлакатнинг амалдаги Президенти ўз ваколатларини бажара олмайдиган ҳолатда унинг вазифа ва ваколатлари вақтинча Олий Мажлис Сенати раиси зиммасига юклатилади ҳамда бунда уч ой ичида қонунга мувофиқ Президентлик сайлови ўтказилади.

20. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ўзбекистон Бош прокурори, Ҳисоб палатаси раисини тайинлайди ва уларни лавозимидан озод қилади ҳамда Олий Мажлис Сенати тасдиғига киритади .

21. Олий Мажлис Сенати Бош вазир ҳисоботларини эшитади ва муҳокама қилади.

22. Олий Мажлисга ҳокимият вакиллик органлари ва ташаббускор гуруҳлардан номзод кўрсатиш ҳуқуқи тугатилди.

23. Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод кўрсатиш ҳукуқи фақат сиёсий партияларга берилди.

24. Сиёсий партияларнинг ваколатли вакили Қонунчилик палатасига киритилди.

25. Депутатлик ўринларини квоталаш институти жорий этилди.

26. Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги 15 та депутатлик ўрни Ўзбекистон Экологик ҳаракатига берилди.

27. Вазирлар Маҳкамаси аъзолари, Бош вазир тақдимига кўра, Президент томонидан тасдиқланади.

Таклиф ва тавсиялар:

1. Давлат ва жамият бошқарувида аҳолининг ҳуқуқий ва сиёсий маданиятини ошириш; бу соҳада мактаб, маҳалла, оила концепциясини тизимли давом эттириш, сиёсий таълимни ривожлантириш зарур деб ўйлайман.

2. Жамоатчилик назоратини кучайтириш масалаларига жиддий эътибор қаратиш; бу соҳада ҳам фуқаролар фаолигини таъминлаш, бунинг учун ўз навбатида маҳалла фуқаролар йиғини фаолиятини кучайтириш ҳамда ваколат доираларини кенгайтириш зарур деб биламан.

3. Фуқароларда айниқса ёшлар ўртасида, таълим муассасаларида ижтимоий гуманитар фанлар, президент асарларини ўқитиш тизимини кучайтириш ва доимий назорат қилиш мақсадга мувофиқ деб биламан.

4. Қабул қилинаётган қонунларда Жамоатчилик назорати нормалари билан бойитиш; Бу соҳада прокурор назорати, Давлат ҳокимияти органларини назорати каби назоратлар, қолаверса бу соҳада жамоатчилик назоратига ҳам ишончнинг ортиши давлат бошқарувининг халқ ҳокимиятчилига асосланиши каби нормалар билан изоҳланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2012
2. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида”ги Конституциявий Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. – 2002. – № 12.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. – Асарлар, 1-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996.
4. Каримов И.А. Ўзбекистон – бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли – Т.: Ўзбекистон, 1993.
5. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. – Т., “Ўзбекистон”, 1995.
6. Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамыз. Асарлар, 7-жилд. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 1999.
7. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2000,
8. Каримов И.А. Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Асарлар, 11-жилд. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2003.
9. Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Асарлар, 13-жилд. Т.: “Ўзбекистон”, 2005.
10. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Девонининг Ўзбекистон мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган қўшма мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2007 йил 31 август.
11. “Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир”. – Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик

палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2010 йил 28 январь.

12. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза), “Халқ сўзи”, 2010 йил 13 ноябрь (№ 220),

13. Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри. – Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1993.

14. Одилқориев Ҳ. Конституция ва фуқаролик жамияти. – Тошкент: Шарқ, 2002.

15. Ўзбекистон – иқтисодиётни модернизациялаш ҳамда ислохотларни чуқурлаштиришнинг янги ва юксак босқичи йўлида. (Бекмуродов А.Ш., Ғафуров У.В.) Т.: Иқтисодиёт, 2008. – 126 б. (электрон версияси билан).

16. И. Эргашев ва бошқалар. Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти . Дарслик ўқув қўлланма Т. Академия 2005